Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

# BOYSUN

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

2026-yil 31-mart
№ 6 (6468)

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

**2026-yil — Mahallani rivojlantirish va jamiyatni yuksaltirish yili**

## “НАВРЎЗ САЙЛИ” ФЕСТИВАЛИ

### УНДА ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ТАРАННУМ ЭТИЛДИ

***Шу кунларда серқуёш юртимиз бўйлаб Наврўз шукуҳи ҳамон давом этмоқда. Маҳалла-кўй, хонадонларда йилбоши мунособати билан байрам сайллари, миллий урф-одатларимиз, боқий қадриятларимиз ўз ифодасини топган миллий ўйинлар, миллий спорт мусобақалари, гап-гаштак ва маросимлар ўтказиляпти.***



Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида ҳудудларда “Наврўзни улуғлаш – инсонни улуғлашдир!” эзгу ғояси асосида маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда.

Ана шундай Наврўз тадбирларидан бири – “Наврўз сайли” фестивали куни-кеча “Бойсун баҳори” туризм мажмуасида бўлиб ўтди.

Юқорида номлари зикр этилган вазирликлар, уюшма ҳамда масъул ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилаётган фестивалга халқимиз суйган ва эътироф этган таниқли санъаткорлар, адиблар, шоирлар, бахшилар, жумладан, Ўзбекистон халқ артистлари Гавҳар Зокирова, Замира Суюноваларнинг иштироки бойсунликлар учун кутилмаган байрам совғаси бўлди, дейиш мумкин.

“Мумтоз наволар”, “Дўстлик дастурхони”, “Маърифат боғи”, “Анъана ва авангард”, “Баҳодирлар ўйини” ҳамда “Самодаги орзулар” мавзуидаги лойиҳалар асосида ўтказилган фестивал давомида халқимизнинг ўзига хос миллий ва мумтоз куй-қўшиқлари, миллий таомлари ва меҳмондўстлик одатлари, китобхонлик маънавияти, миллий ҳунармандчилик ва замонавий санъат кўргазмалари, миллий спорт, жумладан, миллий кураш – полвонлар беллашувлари, варрак учириш анъаналари намойиш этилди. Айниқса, пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар, ижодкорлар иштирокида ўтган концерт дастурлари, учрашувлар, полвонларимиз чиқишлари фестивалнинг бош ғоясини ўзига хос тараннум этилганлиги билан ҳам томошабинларнинг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Туризм мажмуасидаги ҳар бир туман қўрғонида ҳудудларимизга хос урф-одат, анъаналаримиз – боқий ва ўлмас қадриятларимиз акс эттирилган саҳна намойишлари эса халқимизнинг бетакрор урф-одатлари нақадар ранг-баранг ва теран илдизларга эга эканлигини ўзига хос жилоларда намоён этди.



Фестиваль давомида эл суйган таниқли санъаткорлар нафақат тадбир иштирокчиларига ўз ижод намуналарини илиндилар, балки Наврўз шукуҳи ҳамон кезаётган юртимиз жамоли, бу юртда халқимиз фаровонлиги, давлатимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ибратли ишлар хусусида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

–Наврўз сайллари баҳонасида Президентимиз томонидан юртимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар олис-олис ҳудудларимизда ҳам ўз самарасини бераётганлигини ўз кўзимиз билан кўриб, рости кўнглимиз тоғдек ўсяпти, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Халқ артисти Замира Суюнова. – Биргина Бойсундаги ўзгаришларни кўриб лол қоляпмиз. Бугунги Бойсунда, айниқса, туризм ривожланиб, мана шунақа ажойиб туризм масканлари, замонавий меҳмонхоналар бунёд этилибди. Бойсуннинг бетакрор табиати, осмонўпар тоғлари, кўнгилтортар манзиллари бир қарашдаёқ ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этади. Айниқса, халқингиздаги санъатга, миллий қадриятларга бўлган эътибор, эътиқодига қойил қоласан, киши. Бойсун, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон гавҳари дейишга арзигулик маскан.Бунақа бетакрор табиат қўйнида яшаш, бу каби пурвиқор тоғлар қуршаган масканда туғилиш ҳар қандай инсонни шоиртабиат қилиши шубҳасиз.

(Давоми 4-бетда)

## АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

### ЭНДИ “ЁШЛАР БОҒИ” ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ

**Умр – оқар дарё дейдилар. Қаранг, машҳур адибимиз, ўзбек адабиёти ҳикоячилигининг забардаст вакили Шукур Холмирзаевнинг орамиздан кетганига ҳам йигирма йилдан ошибди. Адиб ҳаёт бўлганларида роппа-роса 86 ёшга тўлган бўлардилар...**



Шукур Холмирзаевнинг замонавий ўзбек адабиёти ривожига қўшган ҳиссасини шунчаки, оддий сўзлар билан таснифлаб бўлмайди. Адиб нафақат ҳикоячилик, балки қисса, романнавислик бобида ҳам адабиётимиз учун мангуликка дахлдор ишларни қилишга улгурди.

Шукур ака нафақат ижодкор, балки шахс сифатида, айниқса, биз бойсунликлар учун алоҳида ҳурматга, эътирофга сазовор инсон ҳам эдилар. У киши учун Бойсун ҳамма нарса – киндик қони тўкилган юрт, катта Ватан ичра кичик Ватан, илҳом манбаи, соғинч ва армон эди...

“Бойсунда туғилмаганимда, бойсунлик бўлмаганимда, Бойсунни севмаганимда, ижодкор бўлармидим-йўқми, нимагадир эришармидим-йўқми, билмадим?” дегандилар адиб бир учрашувда.

Шукур ака адабиёт учун туғилди, адабиёт учун яшади, адабиёт учун яратди. Ўзидан кейинги авлодларга катта бир маънавий меросни қолдириб кетди. Барча нарса – шон-шуҳрат, моддий рағбат, мансабу ваколат, ҳашаматлардан айро яшади, барчасидан адабиётни афзал кўрди.

Адиб вафотидан кейин унинг адабиётимиз, маънавий меросимизга қўшган ўзига хос хизматлари эътиборга олиниб алоҳида ҳурмат кўрсатилиши, хусусан, хотирасини абадийлаштириш учун нимадир қилинишини кутгандикки, зотан Шукур ака шахс сифатида ҳам, таниқли адиб сифатида ҳам лойиқ эдилар, бунга. Бироқ орадан йигирма бир йил ўтибдики, адабиёт мухлисларидан ҳозиргача бундай ҳаракатни кўрмадик. Тўғри, адибни хотирлаш, асарларини чоп этиш ва бошқа шу каби тадбирлар бўлаётгандир. Адолат нуқтаи назаридан фикр қиладиган бўлсак, адибнинг хизматлари олдида бу мезон камлик қилади шекилли.

Шукур ака туғилиб ўсган юрт – Бойсунда ҳам адабиёт муҳиблари узоқ йиллар у кишининг номларини абадийлаштириш тараддудини қилдилар. Тегишли маҳкамаларга турли таклифлар, фикрлар берилди. Улар орасида адиб туғилиб ўсган уйда уй-музей ташкил этиш, шаҳар марказидаги кўчалардан бирини Шукур ака номи билан аташ, Шукур Холмирзаев номида боғ ташкил этиш каби таклифлар бор эди.

## Бойсун тумани прокурори Мирзоҳид ҲАЙИТОВнинг туман аҳолисига МУРОЖААТИ

**Ҳурматли тумандошлар!**

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2026 йилдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўлида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сонли ва “Республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2-сонли қарорлари имзоланди.**



Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳамда тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, барқарор хавфсизлик муҳитини шакллантириш борасида қатор аниқ ва манзилли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, “Хавфсиз маҳалла – осуда ҳаёт” тамойили асосида туман маҳаллаларидаги аҳоли гавжум жойлар ва кўчаларда 60 та, кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида 14 та, маҳаллаларнинг асосий кириш-чиқиш жойларида 14 та, савдо марказлари ва бозорларда 8 та, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари кириш-чиқиш жойларида 36 та, мактабларнинг очиқ спорт майдонларида 4 та юзни ва авторақамларни таниб олувчи камералар ўрнатилди.

Шу каби, маҳаллаларда 8 та “намунавий хавфсиз йўлак” ва 4 та “намунавий кўча”лар ташкил этилди.

Натижада, мазкур воситалар кирминоген вазиятни назорат қилиш, содир этилган жиноятлар бўйича шахсларни тезкорлик билан излаб топиш ҳамда жиноятга жазо муҳаррарлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари, содир этилган жиноятларни ҳар куни тезкор таҳлил қилиб, манзилли тадбирларни белгилаш, кунлик сўров ва назорат тизими йўлга қўйилди.

Шу билан биргаликда, тергов сифати янада оширилади, бу жараёнларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда олдимизда турган муҳим вазифалардан бири – фуқаролар билан очиқ ва ишончли ҳамкорликни янада кучайтириш, жамоатчилик билан бевосита ва самарали мулоқотни йўлга қўйишдан иборатдир.

Бизнинг асосий мақсадимиз – Бойсун туманини жиноятчиликдан холи, тинч ва осойишта ҳудудга айлантириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва криминоген ҳолатни барқарорлаштиришдан иборат.

**Ҳурматли юртдошлар!**

Сизларга мурожаатим шундан иборатки, ҳозирги кунда тез бойиш ниятида ҳар хил фирибгарлар тузоғига тушиб қолиш хавфи кучайган бир пайтда, ҳушёрлик ва огоҳликни янада ошириш зарур. Дунё миқёсида кенг тарқалиб бораётган кибержиноятларга қарши курашишда ҳар биримиз фаол бўлишимиз лозим. Уй ҳайвонлари ва бошқа мол-мулкингизни қаровсиз қолдирмаслик, яқинларингизни ва қўшни-қариндошларингизни огоҳлантириш, жиноятчиликка қарши тарғибот ишларида фаол иштирок этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Шу боис, оила аъзоларингиз ва яқинларингизни ҳуқуқ-тарғибот расмий ахборот каналлари ва махсус ботларига улаш орқали, интернетдаги фирибгарлик ва киберхавфлардан мунтазам хабардор қилиб боринг. Ҳар қандай киберфирибгарлик – шахсий маълумотлар ёки банк карталаридан ноқонуний фойдаланиш орқали амалга оширилаётган жиноятларга қарши жамоатчилик онги ва ҳушёрлигини оширишда сизнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

**Эътиборингиз учун ташаккур билдираман!**

## Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Фурқат МУРТАЗОЕВнинг туман аҳолисига МУРОЖААТИ

***Қадрли отахон ва онахонлар!***

***Азиз ёшлар!***

***Ҳурматли бойсунликлар!***

**Сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович раҳбарлигида “Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли яшаш шароитлари ҳамда маҳаллалар қиёфасини тубдан яхшилаш, аҳолининг муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, халқни рози қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Шуни таъкидлаш жоизки, барча идора ва ташкилотлар ҳамда халқимиз билан биргаликда барча соҳаларда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, амалга оширилган ишлар ва кўрилган чоралар натижасида туманимизда ўтган даврда олдини олиш мумкин бўлган қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, енгил тан жароҳати етказиш, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш жиноятларга йўл қўйилмаган.

Бироқ, яратиб берилган имкониятларга қарамасдан айрим шахслар ноқонуний йўллар билан бойлик орттириш, фуқароларни алдаш ва бошқа воситалар орқали уларнинг мол-мулкини эгаллашга уринишмоқда.

Айниқса, интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда фуқароларга ҳар хил турдаги таъсир ўтказиш орқали ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини эгаллаш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Ўтган даврда, туманимизда 57 та кибержиноятлар, 22 та фирибгарлик ҳолати, 33 та ўғирлик ҳолати ва 2 та бошқа турдаги ҳолатлар содир этилиб, жиноят ишлари қўзғатилгани бунинг яққол исботи.

Айрим фуқароларимизнинг бепарволиги оқибатида ўзларига тегишли мол-мулклар – техника воситалари, чорва моллари ёки уй атрофларини қаровсиз қолдиргани оқибатида ўғирлик жиноятлари содир этилишига имконият яратиб берилаётгани ҳам айни ҳақиқат. Оқибатда, ўтган даврда 5 та ўғирлик, шахсларнинг жамиятда юриш қоидаларини бузиши билан боғлиқ 1 та жиноят қайд этилди.

Шунингдек, йўлларда автомашиналар сони кундан-кунга ортиб, ҳайдовчиларнинг масъулиятини оширмоқда. Бироқ, айрим ҳайдовчилар йўл белгилари, йўл қоидаларига риоя этмасдан ўзбошимчалик билан тезликни оширгани ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ фуқароларга автомашинани бошқаришга ноқонуний рухсат бергани натижасида жами 5 та, шу жумладан ўлим билан боғлиқ 2 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганлиги аянчли, албатта!

**Ҳурматли юртдошлар!**

Шу сабабли, келгусида ҳал этилиши лозим бўлган кўплаб масалалар борлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Бундан келиб чиққан ҳолда масъул идоралар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда жиноятларнинг олдини олиш, туманда криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш бўйича 1 март кунида 31 март кунига қадар “Хавфсиз ва обод юрт” тадбири ўтказилаётганлиги сабабли кучайтирилган иш тартиби жорий этилди.

Ушбу тадбир юзасидан тегишли ҳамкор ташкилотлар билан куни-тун туманимизда жиноятчиликни барвақт олдини олиш, туманимизни жиноятдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Шу мақсадда, маҳаллалардаги аҳоли гавжум жойлар ва кўчаларга, кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларига, маҳаллаларнинг асосий кириш-чиқиш жойларига, савдо марказлари ва бозорларга, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари кириш-чиқиш жойларига, мактабларнинг очиқ спорт майдонларига юзни ва авторақамларни таниб олувчи камералар ўрнатилди.



**Азиз бойсунликлар!**

Албатта, туманимизда жиноятчилик ва коррупциянинг олдини олишда, умуман барча соҳаларда қонунийликни таъминлашда, энг аввало, маҳалла аҳли, ёшлар ва нуронийлар, маҳалла фаолларига, турли меҳнат жамоаларидаги жонкуяр ва ватанпарвар инсонларга, уларнинг амалий ёрдами ва ҳамкорлигига таянамиз.

Агарда ҳар бир фуқаро туманимизни жиноятдан, коррупциядан холи, тинч ва хавфсиз ўлкага айлантиришга ўз ҳиссасини қўшса, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, биргаликда курашсак кўзланган мақсадга албатта эришамиз.

**Қадрли бойсунликлар!**

Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳар биримиз ҳушёрликни оширишимиз, шубҳали интернет иловаларига кирмаслик, нотаниш шахсларга ҳисоб рақамлар ва тасдиқлаш кодларини бермаслик, мол-мулкларни қаровсиз қолдирмаслик лозимлиги ҳақида яна бир бор огоҳлантириб ўтмоқчиман.

Қонунларга қатъий риоя этиш, ўзгалар ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматини, мол-мулки дахлсизлигини ҳурмат қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя қилиш, ҳам қонуний, ҳам инсоний бурчимиз эканини доимо ёдда тутишимиз зарур.

**Азизлар, келинг, барчамиз шу йўлда муҳтарам Президентимизга елкадош бўлиб, қонун устувор, адолат ҳукмрон бўлган жамиятни биргаликда барпо этайлик!**

# ЗАМОНДАН ЎЗГАН ЗАМОНДОШ



***Касбим тақозосига кўра фаолиятим давомида жуда кўп инсонлар билан танишганман. Турфа касб, турфа характер, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳаёт тарзи, турлича хулқ, муомала маданиятига эга инсонлар... Уларнинг аксарияти ҳақида маҳаллий ва республика матбуотида турли даражадаги мақола, очерк, эсселар ҳам эълон қилганман. Танқидга олинганлар, ҳатто фельетонлар учун яхшигина “тип” бўлган “қаҳрамонлар” ҳам бор. Жиноят кўчасига кириб, умрини панжара ортида ўтказишга мажбур бўлган жиноят олами вакиллари ҳам йўқ эмас...***

Айнан журналистик фаолиятим туфайли мен таниган, билган, қолверса, узоқ йиллардан буён ҳамсуҳбат бўлиб юрганларим ичида Рамазон Абдуллаев бошқа одам. Шахсан мен бу инсонни билганларим орасида ҳеч кимга ўхшатолмадим, ўхшатолмайман. Рамазон аканинг ҳаёти ва фаолиятини қайта-қайта неча бор кўз олдимдан ўтказмайин, у киши билан такрор-такрор суҳбатда бўлмайин, ўзимга шундай савол бераман: нега бу инсон бошқаларга ўхшамайди? Ўз касби, эътиқоди, халқи, Ватани олдидаги бурчига нега бунчалик содиқ? Атрофимизда Рамазон Абдуллаевга ўхшаш касб-ҳол, рафтор, ҳаёт тарзига эга инсонлар кам эмас -ку. Ахир, Рамазон аканинг ҳам бошқалар каби оила, бола-чақа, рўзғор ташвиши, турмуш муаммолари бор эмасми? Қандай қилиб домла мана шу ўзига хос ташвишлар, муаммолардан ортиб мудом эл ташвиши, эзгу ишлар, савоб ибратлар учун вақт, имконият ва сабр-тоқат топа олишга улгуради экан?

Рамазон Абдуллаев билан танишувимиз эса тасодифан рўй берган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида - унда мен туман “Галаба” газетасида муҳаррир ўринбосари лавозимида ишлардим – олис тоғ қишлоқлари аҳолисидан тушган шикоят хатини текшириш учун хизмат сафарига боришимга тўғри келди. Сафар давомида ўша пайтдаги “Кўрғонча” қишлоқ Совети раиси Болта Ғаффоровнинг Гуматак қишлоғида бир ўқитувчи шахсий маблағи ҳисобидан мактаб қуришни бошлагани ҳақидаги хабарини эшитиб, рости, ҳайратланишим ҳам, ишониб-ишонмаслигим ҳам билмай, ўша домла билан кўришиш истагини билдирдим. Тўғри-да, ахир ўшанда шўро замони бўлса, шахсий маблағ ҳисобига мактаб тугул қоровулхона ҳам қуришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. Хусусий мулк тақиқланган замонда жамият тартиботлари, қолаверса, сиёсат кўтармайдиган гап, ахир бу.

Қишлоқ Кенгаши оқсоқоли ҳамроҳлигида Рамазон домлани излаб мактабга бордик. Боғда ёлғиз уннаб юрган қоровулдан “директор бова” уйда терак кесаётганлигини эштиб, оқсоқол ишораси билан мактаб биносини айландик. Ўша замон услубидаги оддий кўл учида нари-бери қурилган, тоғ шароитининг серёғин фасллари жабрига дош беролмай, тутдай тўкилиб қолганидан мактаб дегулик сиёғи ҳам қолмаган шунчаки тўрт девор. Туман марказидаги ҳамма шароити муҳайё икки қаватли мактабда ўқиганим туфайлими, барибир мана шу тўрт девор ичида қишлоқ болалари қандай қилиб таълим олишганини тасаввуримга сиғдиролмаганим эсимда.

Мактаб қоровули рост айтган экан- Рамазон домлани боғ ҳовлисида, ўнлаб ағдарилган теракларнинг шох-шаббалари билан тўлган кенг майдонда учратдик.

– Мана, бошлаган хайрли ишларингиз ҳақида мендан эшитибоқ мухбир шу ёққа шошилдилар. Айтмоқчи, ўзлари ҳам биз тоғликларга бегона эмас, асли кўрғончалик. Мирзо Ориф бобонинг набиралари экан. Директор қишлоқ болалари учун мактаб қуряптилар, десам, ишонмасалар денг.

Оқсоқолнинг расмона таништирувларидан сўнг директор билан ҳорма-борма қилдик. Рамазон Абдуллаев шунчаки ўқитувчи эмас, мактаб директори эканликларини ҳам шу танишув давомида билдим. Боя қоровул аканинг “директор бова” деган ишораларига эътибор қилмаган эканман-да.

Одатда, қишлоқ жойларда ёши улуғ, хурматли инсонларга, “бобо” дея мурожаат қилишади. Шунданми, ҳали қирчиллаган қирқ ёшнинг нари берисидаги, ғўлабирдек чайир, паҳлавонкелбат, овози тоғда акс берувчи момақалдироқ овозидек кескин, бироқ ҳар бир гапини кулги-хандага қориштириб сўзловчи бу инсонга қараб “бова”лик яъни боболик сиёғини топа олмагач, Рамазон домла бу хемири ёшида бекорга аллақачон “директор бова” бўлиб, эл назарига тушмагандир деган хаёлга бордим.

Кейинчалик, бутун мамлакатга “Мактаб қуриб чарчамаган директор” номи билан танилган фидоий инсон, ўз жамғармаси ҳисобидан нафақат мактаб қурган, балки бошқа кўплаб ижтимоий муаммоларни бартараф қилган, ўнлаб ташаббуслар билан чиққан устоз Рамазон Абдуллаев билан ушбу учрашувимиз асносида ўтган илк суҳбатимиз у кишини хонадонларида, оддийгина дастурхон атрофида кечди.

Хуллас, ўша пайтда Гуматак қишлоғидаги яккаю-ягона мактабда директор вазифасида ишлаб турган Рамазон Абдуллаев тутдек тўкилиб, ўқиш учун имконият қолмаган мактаб биносини қайта қуриш, ҳеч бўлмаганда реконструкция қилдиришни сўраб кирмаган маҳкамаси-ю идораси қолмайди. Гуматак баланд тоғлар бағридаги қишлоқ эмасми, сиёғи бу аҳволдаги мактаб биносида, айниқса, қиш мавсумида болаларнинг ўқитишни у гўёки жиноят билан тенг кўриб, эзилиб юргани учун ҳам, юқоридаги “катталар” кўзига ёмон кўринишни билиб турса-да мурожаатларни тўхтатмайди. Қарасаки, “юқори”да домлани эшитадиган йўқ, бор бўлса-да йўғон чўзилиб, ингичка узилиб қолган собиқ шўролар даврининг сўнгги йилларида олис тоғ қишлоғи учун замонавий мактаб қуриб бераман деган шеримард ҳам, маблағ ҳам йўқ ҳисоби эди. Ниҳоят, домла “шу мактабни ўзим қурганим бўлсин!” деган ниятда жуда ибратли, ўз замони учун оғриқ бўлиши мумкин бўлган ғайриоддий ташаббус билан чиқади. Биз домлани излаб борган чоғимизда кўрганларимиз-қачонлардир фарзандлар учун уй кўтариш ниятида экилган, эндиликда домланинг боғ-ҳовлисини тўлдириб йиқитилган ва шох-шабба, пўслоғидан тозаланган тераклар мактаб қурилишига тайёрланганлигини бошланишидан дарак эди.

Ўша йили янги ўқув мавсумигача директор ҳам, мактаб ўқитувчилари ҳам, қишлоқ аҳлию, ҳатто таътилга чиққан болалар ҳам тиним нималигини билишмади. Асосий харажатларни домла кўтарди. Боғда теракми, қурилишга яроқли бошқа дов-дарахтми- бариси йиқитилди. Бир қисм маблағни қишлоқ аҳли ҳам кўтарди. Маблағи бўлмаганлар ҳашарга чиқди. Шу зайл қишлоқ болалари янги ўқув йилини янги мактаб биносида бошлашди. Билим маскани очилишига бағишланган тантанали йиғилишда депутат-директорнинг мана бу гаплари эса бир умрга хотирамда тошдек қотди: “Албатта, қишлоқ аҳли, мактаб жамоасининг қўллаб-қувватлови билан бунёд этилган ушбу мактаб биноси, шаҳарлардаги мактаб биносига ўхшамас. Аммо мен зиёли, мактаб раҳбари сифатида кейинги беш-олти йили ичида биринчи марта ўқувчиларимнинг мактаб биносига бемалол кириб чиқишларидан, уларнинг ҳаётига ҳеч нарса хавф солмаслигидан хотиржамман. Бундай хотиржамликни бошқа жойдан топмаган бўлардим...”

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам ислоҳотлар, туб ижобий бурилишлар бошланди. Давлат дастури доирасида собиқ шўролар давридан қолган мактабларни қайта қуриш, реконструкция ишлари босқичма-босқич амалга оширилиши бошланган ишларнинг муқаддимаси эди. Бироқ, бу ислоҳотлар шамоли Гуматакка ўхшаш олис тоғ қишлоқларига ҳам етиб бориши учун анчагина вақт керак бўлди. Рамазон Абдуллаев эса вақтни кутиб турадиган инсонлардан эмасди. У ҳамиша вақдан ўзиб кетишга интилган одам эди. Таълимда бугунги натижа билан эмас, эртага нимага эриша оламиз, деган ақида билан яшаш, интилиш керак деб ҳисобларди.

–Иқтидорли кишиларнинг аксарияти қишлоқ мактабларидан чиқишини биласизми? – деб қолди домла суҳбатларимизнинг бирида, – шунинг учун ҳам қишлоқ болалари таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш вақти келди деб ҳисоблайман. Мана, мустақиликка эришдик. Таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Назаримда, энди қишлоқ мактаблари ҳам шаҳар мактаблари қиёфасини олиши, шаҳардагидек шарт-шароитлар яратилиши керак. Бироқ иложи бўлса, ўзимиз ҳам қараб турмаслигимиз, давлатнинг берганига суяниб қолмаслигимиз, айниқса, қишлоқ мактабларини ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни қидиришимиз лозим.

Ўша суҳбат асносида тиниб-тинчимаган домла яна нималарнидир ўйлаб юргани, катта бир ташвишлар гирдобида эканлигини кўнглим сезсада, бу ҳақда бирор бир савол беришдан тийилдим.

Кўнглим эса алдамаган экан. Ҳеч канча вақт ўтмай, Рамазон Абдуллаев яна мактаб қурармиш, деган гап-сўзлар оралаб қолди...

Орадан бир муддат ўтиб домла бир қўлтиқ ҳужжатлар билан таҳририятга ташриф буюрдилар. Суҳбатлашдик. Ҳашар билан қурилган мактаб учун яна бир қўшимча бино қуриш лойиҳасини тасдиқлатиш мақсадида Термизга йўл олган эканлар.

–Оббо домла-ей, яна ташвишми? Ҳар тугул болалар ўқишяпти, кўнглингиз ҳам хотиржам, – дейман, домла стол устига ёйган ҳужжатларига қараб.

-Тўғри айтасиз, хотиржамман, аммо бугун кечадан яхшироқ бўлиши ҳақида унутмаслик керак. Шу десангиз, ўйлаб қолдим, қишлоқларимиз ҳам аста-секин юксалиб бормоқда. Аҳоли кўпаймоқда, демак эрта-индин ўқувчиларимиз сони ҳам кўпайиб боради. Ҳисоб-китобимга кўра яқин икки-уч йилдан сўнг мактабимиз учун яна қўшимча синф хоналарига зарурат пайдо бўларкан. Шунга эртароқ ҳаракатга тушдимда.

Суҳбат давомида билдимки, Рамазон Абдуллаев бу гал ёрдам сўраб ҳеч бир маҳкама-ю идорага бош урмабдилар. Фақат лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш жараёнидаги ҳар-хил расмиятчиликларни бартараф этишда ёрдам сўраб тегишли муассасаларга бир–икки кириб чиқишга тўғри келибди, холос.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Домла мактаб учун қўшимча бино қуришга киришган замонларда турли миш-мишлар ҳам оралаб қолгани эсимда. “Ҳар ҳолда директор хазина топмагандир, мактаб қурилиши учун маблағни қаёқдан топаётган экан?” деган узунқулоқ гаплар олис тоғлар оша туман маркази-ю, ундан ҳам наригача ўтганига ҳам гувоҳ бўлди кўпчилик. Одатдагидек, майда-чуйда, ғийбатнамо гаплар билан иши йўқ директор эса гўё миш-мишларни эшитмади. Ўз айтганидан, фикрларидан қолмади. Ҳамқишлоқлари, жамоасининг бошини қовуштириб, ҳашарни давом эттираверди. Бировни ака, бировни ука дегандек, мактаб қишлоқ болалари учун, уларнинг келажаги учун кераклигини, мактаб қуришдан улуғроқ савоб йўқлигини таъкидлаб, ишни охирига етказди. Мактаб қурилиши учун харажат қилинган қўрадаги йигирма-ўттиз бош қўй-қўзи, икки-уч бош новвоснинг ўрни кун келиб тўлдирилиши, бинобарин, мактаб биноси қолишини ўйлаб кўнглини хотиржам қилди.

Рамазон Абдуллаевнинг қишлоқ болалари учун қулай таълим шароитини яратиш борасида амалга оширган ташаббуслари тез орада Гуматак қишлоғидан чиқиб мамлакат пойтахтигача, катта-катта маҳкамаларгача етиб борди. Оддий бир қишлоқ мактабининг оддий директори амалга ошираётган ишлар билан қизиқувчилар кўпайиб, Гуматак журналистлар, таълим соҳаси мутасаддилари, телерадио хизмати ходимлари, вазирлик вакиллари билан гавжум бўлди. Рамазон Абдуллаев ташаббуслари туфайли Гуматакнинг довруғи чиқди. Бу ташаббуслар, директор бошчилигида амалга оширилган ишлар республика газета-журналлари, телеканалларнинг асосий мавзуига айланди. Ташаббус ҳақида яхши маънодаги шов-шувлар катта-катта маҳкамалардан ўтиб, мамлакат раҳбари эътиборигача етиб борди. Натижада Биринчи Президентимиз фидоий ўқитувчининг хайрли ташаббуслари, ибратли ишларини қўллаб-қувватлаш қаторида ўз эли, юрти корига камарбаста инсоннинг меҳнатларини қадрлаб, мактабга бепул компьютер жамламаси ҳадя қилади. Ҳатто туман марказидаги йирик мактабларда ҳам ҳали компьютерлар одат бўлмаган ўша замонларда олис тоғ қишлоғидаги кичик бир таълим маскани учун бу ўзига хос катта мурувват, юксак эътибор рамзи эди, албатта.

Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаевнинг узоқ йиллик меҳнат фаолиятини бир неча қирраларда ўрганиш, таҳлил қилиш мумкин. У бутун фаолияти давомида бошқаларга ўхшаб борига қаноат қилган ҳолда, шунчаки ўқитувчилик, шунчаки директорлик вазифасини бажариб юриши мумкин эди. Бироқ у ўз вазифасига бўлган масъулиятга фақат бир ракурсдангина қарашга кўникмаган. Шунинг учун унинг фаолияти фақат мактаб билан чекланиб қолмади. У жамоатчилик фаоли, депутат, зиёли инсон сифатида ўз қишлоғи, маҳалласи, унинг одамлари тақдирига ҳам бефарқ бўлмай яшашга ҳаракат қилди. Домланинг жамоатчилик фаолияти билан танишган ҳар бир инсон борки, ундаги бағрикенглик, фидоийлик хусусиятлари, эл-юрт, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган хайрия ишларининг кўламига қойил қолмай иложи йўқ.

Рамазон ака ҳар бир бошлаган хайрли иши, хайрия ҳаракатларига, аввало ўзи бош бўлган ва кўпчиликни ўз ибрати билан шу каби ишларга бош қўшишга маънавий даъват бериб келган. Домла юқорида тилга олинган хайрия ишларидан ташқари 1997 йилда қарийб икки миллион сўм шахсий маблағи эвазига мактаб учун уч километр масофадан ичимлик суви тортиб келтирди. Бундан ташқари уч миллион харажат эвазига мактаб учун ошхона, дурадгорлик устахонаси қуриб, керакли ускуналар билан жиҳозлади. Умуман олганда, мактабни ҳашар йўли билан бунёд этиш, жиҳозлаш, қўшимча бинолар қуриш ва ободонлаштириш ишларига шахсий жамғармасидан қарийиб 28 мллион сўм харажат қилдики, бу ўша йиллар мезонига кўра жуда катта маблағ эди. 2012-2013 йилларда эса мактаб учун кутубхона ташкил этиб, касаба уюшмалари кенгаш учун махсус хона қуриб бергани муносабати билан Р.Абдуллаев Республика Касаба уюшмаларининг махсус танлов ғолиби деб эътироф этилиб, компьютер жамланмаси билан тақдирланди. Шунингдек, Р.Абдуллаев қишлоқ қабристонини ободонлаштириш, қишлоқда автобекат қуриш, ҳамда шаҳар марказидан тоғ қишлоқларига қатновчи аҳоли учун шаҳар мараказида кичик автобекат қуриш ишларига қарийиб 5 миллион сўм харажат қилиб, элнинг дуосига мушарраф бўлди. Боқувчисини йўқотган бир оила ҳамда шароити оғир бир фуқарога уй-жой қуриб бериб, уларни доимий бошпана билан таъминлади. Камбағал оилаларда яшовчи болаларга ғамхўрлик қилиб, уларни кийим-кечак билан таъминлашга ҳомийлик қилди. Қишлоқ хотин-қизларини ишга ўргатиш ва иш билан таъминлаш мақсадида мактаб қошида “Нисо” бичиш-тикиш цехи ташкил этиб, 9 миллион сўм эвазига бичиш-тикиш машинкалари келтириб, бу ерда тўрт иш ўрни ва 20 нафар қиз болани ўқитиш, касбга ўргатиш учун имкониятлар яратди. 60 миллион сўм эвазига эса қишлоқ сойи устига кўприк қурдириб, аҳолининг узоғини яқин қилди.

Афсуски, Рамазон Абдуллаевнинг тоғликлар оғирини енгил қилиш, ҳудудни ободонлаштириш, ижтимоий муаммоларга ечим топиш ва бошқа соҳалар бўйича амалга оширган хайрли ишлари, ташаббусларининг барини санаб ўтишнинг имкони йўқ.

Орадан йиллар ўтди. Ниҳоят 2005 йилда Рамазон Абдуллаевнинг узоқ йиллик орзуси ушалиб, Гуматак қишлоғидаги 53-сонли умумтаълим мактаби биноси ҳам умумиллий Давлат дастури асосида тубдан қайта реконструкция қилиниб, шаҳар мактабларидан кам бўлмаган ўқув-таълим шароитлар яратилди. Шахсан менинг назаримда, директор энди тинчгина ҳузур қилиб вазифасини бажариши, бинобарин, турли маҳкамалар, идораларга мурожаат қилиш ташвишларидан холи бўлган эдилар. Ҳар ҳолда, етти-саккиз йил шундай бўлди шекилли. Домла бир муддат мактаб қуриш ташвишларидан холи бўлган бўлсалар-да, аммо энди фаол жамоатчи, зиёли инсон сифатида қишлоқнинг ижтимоий муаммолари учун кўпроқ вақт ажратадиган бўлдилар-ки, бу масалада домланинг хайрли ишлари ҳақида юқорида қисман тўхталиб ўтдик.

Орада Рамазон ака билан бўлиб турадиган суҳбатимиз ҳар иккала томонда иш мароми кўпайгани боисми, бир муддат узилгандек эди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги (15 йил муқаддам) арафасида “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг анжуманида тасодифан учрашиб қолдик. Кўришмаганимизга анча бўлгани боис йиғилишдан сўнг алоҳида ўтириб, суҳбатлашдик. Суҳбат давомида домланинг “Шу кунларда мактабнинг қўшимча биноси ишга тушиш арафасида, очилиш маросимига албатта ўтасиз”, деган таклифи, очиғи мени қаттиқ ҳайратга солди. Тўғри-да, ахир етти йил муқаддам мактаб дастур асосида қайта қурилган бўлса...

–Ҳозирча бу сир, – деди домла ҳайратимга жавобан одатдагидек мийиғида кулиб. – Ҳаммасини қишлоққа борганда биласиз.

Қишлоққа эса белгиланган кундан бошқа пайтга боришга тўғри келди. Дарҳақиқат, қишлоқнинг кўркига-кўрк қўшиб турган янги мактаб биносига ёнма-ён 50 ўринли янги қўшимча бино қурилибди. Яна ҳам ҳайратланарли томони, ушбу янги бино ҳам фидоий инсон Рамазон Абдуллаевнинг ташаббуси ва бошчилигида бунёд этилибди. Қурилиш учун сарфланган 36 миллион сўм маблағнинг тенг ярми директорнинг шахсий жамғармаси ҳисобидан, 10 миллион сўми мактаб боғи ва мактаб устахонасидан тушган даромаддан, 700 минг сўм ота-оналар кўмаги ва 3 миллион сўм эса туман ҳокимлиги мадади туфайли маҳаллий бюджет ҳисобидан жамланибди.

–Тўйлар, фарзандлар учун уй қурилишлари яна ортга сурилибди-да,– дегандим ўшанда беихтиёр ҳазилнамо оҳангда.

–Эсласангиз, бир суҳбатда сизга қишлоқда болалар кўпайиб боряпти, келгусида улар учун каттароқ мактаб керак бўлади, дегандим. Мана, бугун ҳақиқатан ҳам қишлоғимизда аҳолининг кўпайиш шитоби ортган. Ўқувчилар сони ҳам кўпайиб, янгидан бунёд этилган мактаб биноси уларни бир сменада бағрига сиғдира олмаяпти. Натижада машғулотларни икки сменада ўтказишга мажбур бўляпмиз. Бу эса, таббийки, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатади. Навбатдаги ташаббусимизнинг мақсади эса мана шу муаммони енгиллаштириш, ўқувчилар учун бир сменали дарс шароити эди. Кўриб турганингиздек, ташаббус амалга ошди. Барака топишсин ҳамқишлоқлар, ҳар доимгидек бизни қўллаб-қувватлашди. Ўз меҳнатлари, маблағлари билан беминнат ёрдам кўрсатишди. Жамоатчилик, туман ҳокимлиги ҳам қараб турмади. А, сиз айтган тўйга аталган нарсалар харажатига келсак, Оллоҳнинг ўзи уларни икки карра қилиб қайтаради, тўлдиради. Айтадиларку, иморатлар ичида энг улуғи мактаб деб. Ўқувчи ёшларимизнинг юзлари, кўзларидаги қувончга эътибор қилдингизми? Шундай ёшлар учун ҳар бир ўтган кунингни, вақтингни, ҳатто ўз шахсий манфаатинг учун мўлжалланган ниятларингни бахшида этсанг, ортга сурсанг арзийди!

Бир журналист сифатида Рамазон Абдуллаевнинг ўз фаолияти давомида олис қишлоқ мактабини замонавий мезонга солиш, қишлоқ мактабига янги руҳ, янги шарт-шароит, янги ғоялар олиб кириш йўлидаги сай-ҳаракатлари, машаққатли ва узоқ давом этган меҳнатларини таҳлил қилишга уриниб кўрдим. Домланинг ўша машаққатли меҳнатлари билан қизиқдим. Ва бугунги натижалар кўп йиллик ўша машаққатлар учун арзирмикан, деган саволга жавоб излашга уриндим. Таҳлил ва изланишлар натижаси ўлароқ, охир-оқибат биргина умумий рақамларнинг гувоҳи бўлдим: 2000-2025 йиллар давомида Гуматак қишлоғидаги 53-сонли умумтаълим мактабининг 260 нафардан ортиқ битирувчилари олий маълумотли кадрлар бўлиб етишиб, улар бугунги кунда вилоят ва республикамизнинг турли ҳудудларида турли вазифаларда меҳнат қилмоқда эканлар. Шу мактабда таълим олган Музаффар Норқобилов, Мўмин Тошевлар эса фалсафа доктори илмий даражасини олишди. Рамазон Абдуллаевнинг фахр билан таъкидлашларига кўра, эндиликда гуматаклик олий маълумотли кадрлар орасида энг юқори илмий даражаларга эришиш учун ўзига хос рақобат ҳам бошланганки, бу рақобат мутлақо яхшилик ва эзгулик маъносидаги рақобатдир. Гарчанд 53-мактаб анчайин кичик таълим маскани бўлишига қарамай, бу ерда айни пайтда 7 нафар ўқитувчи “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” даражасига эришганлиги замирида ҳам Рамазон Абдуллаевнинг устоз сифатидаги меҳнатлари мужассам, албатта. Биргина қишлоқ мактаби учун бу ютуқлар, назаримда жуда катта натижа ва улар Р.Абдуллаевнинг узоқ йиллик изланиш ҳамда ташаббусларига арзигулик рақамлардир.

Заҳматкаш зиёли инсон Рамазон Абдуллаевнинг узоқ йиллик хизматлари, халқ таълимини ривожлантиришдаги тажриба ва ташаббуслари ҳамда жамоатчилик билан олиб борган фаолияти давлатимиз томонидан ҳамиша этибор ва эътирофга сазовор деб топилиб, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси ҳамда Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси деган юксак номларга мушарраф бўлганлар. Шунингдек, давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири бўлган “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланганлиги устознинг узоқ йиллик фаолиятларига берилган энг муносиб баҳо деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, 2010 йилда Антик дунё Халқаро илмий академияси Рамазон Абдуллаевнинг меҳнат фаолиятларини илмий даражада таҳлил қилган ҳолда у кишини мазкур академиянинг профессори ҳамда доценти даражасига муносиб кўришди.

Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Рамазон Абдуллаев саксон ёшдан ўтганларига қарамай ҳануз оддий қишлоқ ўқитувчиси сифатида халқ таълими, эл-юрт ривожи йўлида чарчамай фаолият кўрсатаяптилар. Турли хил ўзига хос ташаббуслар, эл корига ярайдиган таклифлар билан чиқяптилар, фаол жамоатчилик ҳаракатлари ҳам давом этяпти. Бўш вақтларида эса ўтган ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида ёзилаётган китоб учун қораламалар қилишга ҳам улгуряптилар.

Узоқ йиллик кузатишларим, саноқсиз суҳбатлар, ижодий мулоқотлар жараёнида шунга амин бўлдимки, бу ҳаётга Рамазон Абдуллаевга ўхшаш инсонларнинг келиши, уларнинг фаолият даражаси, ўз касби, вазифасига бўлган чинакам эътиқоди, юрт, Ватан равнақини ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун қўйиб яшаш аъмоли – бу камдан-кам учрайдиган феномен даражадаги ҳолатдир. Назаримда мана шундай қатъийлик, метин иродалик хусусиятига эга шахсларгина бошқалар учун том маънода ибрат бўла оладиган кишилар саналади. Уларнинг ҳаёт мактабини мудом ўрганиш, тарғиб қилиш, ҳатто келажак авлодларга етказиш, ўз вақтида қадрлаш ва авайлаш жамият учун ҳам, биз учун ҳам фақат ва фақат яхшилик ва эзгуликка хизмат қилажак.

**Даврон ОРИПОВ.**

# ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра шахснинг содир этган қилмишига нисбатан жазо тайинлашда нафақат жиноятнинг оғирлиги ва оқибатлари, балки жиноятчининг шахсий ҳолати ҳам ҳисобга олинади.***

Мазкур кодекснинг 55-моддасида жазонинг енгиллаштирилишига асос бўлувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, ушбу омиллар шахснинг жиноят содир этиш сабабларини тушуниш, адолатли жазо белгилаш ва жиноятчининг тузалиш эҳтимолини оширишга хизмат қилади.

Жиноят қонунчилигига кўра, аввало, жиноятчининг ўз айбини тан олиши, чин дилдан пушаймон бўлиши ёки тергов органларига фаол ёрдам бериши жазонинг енгиллашишига асос бўлиши мумкин. Бу ҳолатда суд шахснинг ўз қилмишидан сабоқ чиқарганини ҳисобга олади. Шунингдек, жиноят натижасида етказилган зарарнинг ихтиёрий равишда қопланиши ҳам жазони енгиллаштириш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу нафақат жабрланувчининг манфаатини тиклашга ёрдам беради, балки жиноятчининг ўз қилмишига нисбатан масъулият ҳиссини намоён этишини кўрсатади.

Иккинчидан, шахс оғир шароитлар таъсирида ёки мушкул аҳволда жиноят содир этган бўлса, бу ҳам жазонинг енгиллаштирилишига сабаб бўлиши белгиланган. Масалан, оилавий ёки моддий муаммолар туфайли оғир руҳий босим остида бўлган шахс томонидан содир этилган жиноятлар жиддий баҳоланади. Бундай шароитда суд шахснинг муҳитини, унинг ижтимоий ҳолатини ва қилмишга ундаган сабабларни чуқур таҳлил қилади.

Шунингдек, шахснинг жиноят содир этишга мажбурлангани ёки кимгадир қарамлик сабабли бундай йўл тутгани ҳам жазо енгиллашишига сабаб бўлади. Жиноятни зўрлик ёхуд таҳдид остида содир этиш, хусусан, жабрланувчининг ноқонуний ёки ахлоққа зид ҳатти-ҳаракатлари таъсирида жиноят қилиш ҳолатлари ҳам суд томонидан эътиборга олинади. Масалан, шахс ўзини ёки бошқаларни ҳимоя қилиш чоғида зарурий мудофаа чегарасида ёки охирги зарурат туфайли ҳимояланган бўлса ва бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар етказган бўлса, бундай ҳаракатлар енгиллаштирувчи омил сифатида қаралади. Бундан ташқари, вояга етмаган шахс томонидан ёки ҳомиладор аёл томонидан содир этилган жиноятлар ҳам енгиллаштирувчи ҳолатлар қаторига киради. Вояга етмаган шахс ҳали ҳаётий тажрибага эга эмаслиги, ҳиссиётларини тўлиқ бошқара олмаслиги ва оқибатларни етарли даражада англай билмаслиги эътиборга олинади. Худди шунингдек, ҳомиладорлик шароити ҳам енгиллаштирувчи ҳолатдир. Бу эса суд томонидан жазо белгилашда эътиборга олинади. Муҳими шундаки, суд ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи омил сифатида баҳолаш ваколатига эга. Бироқ, агар енгиллаштирувчи ҳолат таркибининг зарурий белгиси сифатида жиноят кодексининг махсус қисмида назарда тутилган бўлса, у жазо тайинлашда алоҳида ҳисобга олинмайди.

Жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлиги адолатлилик тамойилининг муҳим қисми ҳисобланади. Бунда ҳар бир жиноят алоҳида баҳоланиши лозим бўлиб, шахснинг ижтимоий аҳволи, жиноят содир этиш сабабларига чуқур ёндашиш жазони адолатли белгилашга ёрдам беради. Шу билан бирга ушбу тамойиллар инсонпарварлик принципларига асосланган бўлиб, жиноятчиларнинг тузалиш эҳтимолини ошириш ва уларнинг ижтимоий ҳаётга қайтишига имкон яратиш мақсадида қўлланилади.

**Шахбоз МУРТАЗОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси “Прокурорлик фаолияти” йўналиши, 3-босқич талабаси.**

# АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

***Мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш, уларни ҳар қандай тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда бундай ҳолатларга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш мақсадида Президентимиз томонидан 2026 йил 3 мартда “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги ПФ-33-сонли Фармони қабул қилинди.***

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш ҳамда жамиятда бундай иллатларга нисбатан муросасозлик муҳитини шакллантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда қабул қилинган мазкур Президент фармони суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу фармон инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик ва болалар манфаатларини таъминлаш борасида давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқади. Фармон билан аёллар ва болаларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни кўриб чиқишда суд тизимига алоҳида масъулият юклатилди. Хусусан, 2027 йилдан бошлаб аёллар ва болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик жиноятлари, қоида тариқасида, махсус тайёргарликдан ўтган терговчилар ва судьялар томонидан кўриб чиқилади. Шунингдек, терговчи ва судьялар учун “Жиноятдан жабрланган аёллар ва болалар билан ишлашнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари” бўйича махсус ўқув дастурлари жорий этилиши назарда тутилган. Бу амалиёт суд тизимининг ихтисослашувини кучайтиради. Бу эса суд муҳокамасининг профессионал даражасини ошириш, жабрланувчиларнинг манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилиш ва суд жараёнларида инсон ҳуқуқлари стандартларига қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ва уларга нисбатан тазйиқ, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қабул қилинган Фармон, мамлакатимизда аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликни камайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш борасида муҳим қадамдир. Фармон нафақат ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш, балки жамиятда зўравонликка қарши курашиш бўйича муросасизлик, қатъиятлилик муҳитини яратишга хизмат қилади.

**Хуршид УМБАРОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди раиси.**

# БУГУНГИ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

**Айни шу кунларда биз баҳор фаслининг таровати билан ошномиз. Ҳамма жойда уйғониш, янгиланиш, яшаришни кўриб кўзимиз қувонади.**

Бу гўзалликлардан баҳра олиш билан бирга худди куз-қиш ойларидагидек огоҳлик, ҳар қандай фавқулотда ҳодисаларга нисбатан тайёр туриш барчамизнинг кундалик вазифамиз бўлиши керак. Ҳолбуки, март-апрел ойларида ёғингарчилик туфайли сел-тошқин, кўчкилар хавфи пайдо бўлади. Сел-тошқинларни талофотсиз ўтишини таъминлаш учун сув йўлларини равонлаштириш талаб этилади. Сой, ариқ бўйларида, сув йўлларида бино-иншоотлар қуриш эса мақсадга мувофиқ эмас.

Биз масъул ходимлар туманимиздаги маҳалла-гузар ва хонадонларда бўлиб, аввало, ёнғин хавфсизлигини олдини олиш, газ ва электр асбобларидан рисоладагидек фойдаланишни назорат қилиш баробарида ҳамон бу каби ишлар айрим фуқароларимиз томонидан эътиборсиз давом этаётганининг гувоҳи бўлдик. Биласизми, ҳатто Тўда, Работ маҳаллалари бўйлаб ўтказилган рейдимиз давомида ўндан ортиқ чала қурилган аммо устлари ёпиқ эгасиз хонадонларга кўзимиз тушди. Қизиқ бир ҳолат, ана шундай хонадонларнинг бирининг айвонида исиниш учун гулхан ёқиб ўтирган болаларни кўриб қолдик. Қаранг, ўртада олов, шундоқ бир-икки метр наридаги хонада хашак... болаларнинг ўйинқароқлиги сабаб, ўша ғамлаб қўйилган ем-хашакка олов етиб бормаслигига, не-не орзу-умидлар билан бунёд этилган уйлар ёнғин олови остида қолмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Ўзингизни, фарзандларингизни, моддий бойлигингизни асраш учун ҳамиша огоҳ бўлишингиз зарур!

***Д.АБДУРАҲИМОВ,***
***туман ФВБ бошлиғининг ўринбосари, профилактика ва назорат бўлинмаси бошлиғи.***

# ҚОРАОҚСОҚ ҲАЁТ УЧУН ХАТАРЛИ КАСАЛЛИК

***Сўнгги вақтларда қатор мамлакатларда юқумли касалликлар, айниқса, ҳайвонлардан одамларга юқадиган қутуриш, куйдирги, бруцеллёз (қораоқсоқ) гемморогик иситма каби хасталиклар тез-тез қайд этилаётгани, афсуски, айрим ҳолатларда бу каби касалликларни юқтирган фуқаролар орасида ўлим ҳолатлари рўй бераётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда.***

Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, бизда ҳам ҳар бир фуқаро ҳайвонлардан одамларга ўтадиган хавфли юқумли касалликлар ва уларнинг профилактикаси тўғрисида хабардор бўлишлари ва ўзига хос эҳтиёт чораларини кўришлари хасталикнинг олдини олиш, қолаверса, оммавий равишда тарқалиб кетмаслигида муҳим аҳамиятга эга.

Бруцеллёз (қораоқсоқ) касаллиги, таъкидланганидек, одамларга асосан қорамоллар, қўй-эчкиларнинг кўпайиши вақтида уларнинг сўлаги, сути, қони ва янги туғилган қўзичоқ ҳамда бузоқларнинг йўлдош суюқликлари орқали юқиб, унинг микроблари билан теварак-атроф зарарланади. Шунингдек, чорва моллари боқиш, уларнинг маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнларида ҳам касал бўлган ҳайвон гўшти, жигари, калла-почалари етарли пиширилмасдан ва улардан олинган сут, қаймоқ хом ҳолатда истеъмол қилинганда ҳам касаллик одамларга юқади.

Қораоқсоқ касаллиги туфайли инсоннинг суяк бўғимлари, асаб тизими шикастланиб, умрбод ногирон бўлиб қолиши, аёлларда ҳомила тушиши ҳамда эркак ва аёлларнинг бепушт бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли хонадонларда боқилаётган чорва молларини ҳудудий ветеринария врачлари томонидан бруцеллёз касаллигига қарши бир марта баҳор ойида эмлатиш, уларнинг қонидан намуна олиб, вақти-вақти билан лабораторияда бруцеллёз касаллиги бўйича текширтириш зарур. Агар лаборатория таҳлилларига кўра моллар шу хасталик билан касалланган бўлса, уларнинг сут маҳсулотларини бозорларда сотиш қатъиян ман этилади. Ушбу талабга риоя қилинмаслик эса мазкур хавфли касалликнинг аҳоли орасида тез тарқалиб, хатарли эпидемиологик вазиятни вужудга келишига сабаб бўлиши муқаррар.

Ҳурматли фуқаролар! Бруцеллёз касаллигининг инсон саломатлигига катта хавф солиши мумкин бўлган хусусиятлари боис унинг аломатлари пайдо бўлган ёки сезилган ҳар қандай ҳолатда зудлик билан шифохонага мурожаат қилишни унутманг!

**А КЕНЖАЕВ,**
**Бойсун туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи.**
**Н.АБДИМУРОДОВ,**
**Бойсун туман санэпид бўлими бошлиғи.**

## Ба муносибати 80-солагии Навсандаи халқии Тоҷикистон Саттор Турсун

*АВВАЛАШ, ОХИРАШ ДАР ШУМОРАИ ГУЗАШТА*

# РАНҶИ РАСМИ ИНСОНШИНОСӢ

-Қариб даҳ рӯз аст инҳо таҷриба меомӯзанд.

-Эҳ-а, - марғуладор хандид Саттор Турсун. – Чӣ хел журналистанд, ки дар муддати даҳ рӯз на овозашонро мешунавем, на худашонро мебинем.

Сипас ба мо рӯй оварда, мулоим гуфт:

-Агар журналист ҳақиқӣ шудан мехоҳед, худро ба обу оташ занед. Лозим ояд, барои ёфтани як ҳуҷҷати муҳим дастбагиребон шавед. Рафту ягон роҳбари ҳаромгулӯ ба тарси фош гардидан аз дар пеш кунад, шумо аз тиреза зада дароед. Натарсед!

Вақте ки муколамаи тезу тунди қаҳрамонҳои Саттор Турсунро аз қабили: “Номард! Модом ки дар зиндагиат ба ин қадар беинсофӣ раҳ медодӣ, танҳо ба ҷони бародари ман не, балки дигаронро ҳам мисли мор заҳр мезадӣ, акнун, ҳангоме дар лаби ин ҷар лаҳзаи мурданат расидааст, ҳеҷ набошад, асп барин рост истода бимур! Наход дар дами вопасин ҳам мард нашавӣ?!” – мехонам, беихтиёр дар пеши назарам симои нависанда пайдо мешавад. Ва ман баръало мебинам, ки вай чӣ тавр аз беимониву беинсофиҳо ба шӯр меояд.

Ҳақталош аст нависандаи жарфназари мо! Мутафаккири бузурги рус Виссарион Белинский беш аз сад сол муқаддам оварда буд: “Замони мо танҳо дар пеши суханваре ба зону мезанад, ки зиндагиаш беҳтарин тафсигари эҷодиёти ӯ ва эҷодиёташ ҳақбинтарин тавзеҳгари зиндагии ӯст”. Фикр мекунам ин гуфтаҳо ба кору рӯзгори Саттор Турсун низ бебаҳс дахл доранд.

Чӣ тавре борҳо дидаам, адиб набзи айёмро (чи мозӣ ва чи муосир) хеле хуб мешунавад, ба рӯйдодҳои гиреҳгири ҳаёт одилона баҳо медиҳад. Барои ин ҷаҳонбинии солим, дидаи дил, қобилияти таҳлил ва албатта дониши амиқ лозиманд. Ҳоло рӯй оварем ба романи “Се рӯзи як баҳор”, ки дар даврони шӯравӣ таълиф гардида, дар он айём ҳама гуна фикру ақидаи ба идеалогияи каммунистӣ мухолиф саркӯб мешуд. Вале муаллиф ба назари худ садоқат дошт, - вобаста ба талаби зимомдорони замона навиштаашро дигар накард. Пас аз чанд сол раман ниҳоят ба табъ расид. Ва гузаштаи на он қадар дур собит сохт, ки Саттор дар баҳо додан ба аслу асоси инқилоби Октябр ва ҳаводиси ҷанги шаҳрвандӣ ҳақ будааст.

Нависанда дар “Се рӯзи як баҳор” мубориза синфиро ба воқеъбинии равшан чунон моҳирона тасвир кардааст, ки хонанда ҷонибҳои муқобил – фидоии олами инқилоб Анвар ва сарвари дастаи мухолифин Усмон Азизро як хел дӯст медорад; ба онҳо дилаш сӯхта, аз тақдири талхи эшон ба риққат меояд. Ва бояд ҳамин тавр ҳам мебуд. Зеро ин ду нафар, фарзандони як миллат, балки хешу табор... ҳар кадом дар мавқеи худ ҳаққанд. Яке мехоҳад ҳаёти нав созад, дигаре баръакс – замонаш, хонаву дараш, динаш ва расму оинашро дифоъ мекунад. (Дар байни ҷамоати исёнгар зотҳои касиф, нияташон нопок, зиёда аз ин... ёғиву тоғӣ албатта кам набуданд, ки хоси ҳама гуна ҷангҳост. Аммо гап ҳоло дар сари Усмон Азиз аст), Нависанда чун довари ростбин рафтору кирдори ин мардро чи дар даврони осоиштаи қабл аз инқилоб ва чи дар задухӯрдҳои муқовимати шаҳрвандӣ мӯшикофона ба тадқиқ гирифта, хулосаҳои ҷолиб мебардорад.

Бисёре аз мунаққидон ва ҳамқаламони адиб ҳангоми роман, инчунин баъзе хонандагон баъд аз интишор ёфтани он ба ҳар навъ андеша мегуфтанд, ки Саттор Турсун душмани халқро сафед кардааст, - аз босмачӣ қаҳрамони мусбат сохтааст. Лекин агар дақиқ назар андозем, пас мебинем: нависанда мисли падарест, ки муноқишаи фарзандонашро аз дари адолат ба таҳлил мекашад. Зеро дили вай ба ҳамаи онҳо баробар месӯзад, дар мағзи ҷону ҷигараш онҳо як хел азизанд.

Саттор Турсун нек медонад, ки дар ҳеҷ ҷанги шаҳрвандӣ ғолибу мағлуб, ҳаққу ноҳақ, ё худ... чӣ тавре мегӯянд, сиёҳу сафед набудааст. Ва нахоҳад буд. Оқибати чунин пархошҳо фақат пушаймонист. Кадом ҷомеае ки бошад, дар кулли ҳолатҳо ба асли шоистаи худ бармегардад: яъне об агар сад пора гардад, боз ба ҳам меомезад. Аз ин сабаб поёни раман Усмон Азизи рӯҳан бақувват вақте ки тир мехӯрад “ва аз хонаи гарми зин канда шуда, оҳиста ба замин, ба рӯи майсаву лолахасакҳои саросар шукуфон” меафтад, дар вопасин дамаш ба таассуф зери лаб дар забон меорад: “Ман бе гумон ангушти зиёди панҷаи тақдир будаам дар ин дунё”. Қаҳрамони ҳикояи “Лаблаби ҷар” низ Абдулаҳади хоинро, ки боиси марги бародари ҳамхуни ӯ гардида буд, ниҳоят ба қатл расонда, аз зӯри алам ашк мерезад. Бубинед, ин манзаравро сухансоз чӣ гуна муассир ба қалам додааст:

“Ҷавон нишаст. Автаматро оҳиста дар бараш монд. Сипас ба хирмани хуршеди тобону вусъатбоди баланд гӯё бефарқ як назар афканда, сар ба кафи дастонаш гирифт. Ва талх гирист. Шояд ба ёди падараш, ба хотири бародараш, мумкин аст ба ҳоли худаш, ё эҳтимол – кӣ медонад? – умуман ба марги номаш фарзанди одамизод...”

Ҳоло гуфтан ҷоиз аст, дар хусуси ҷанги шаҳрвандии мо, ки бадбахтона дар оғози солҳои навад сар зад, адибон то кунун ба таҳқиқи бадеӣ нарасидаанд. Чизе баён дошта бошанд ҳам, ба назар иҷмолӣ буд. Аммо Саттор Турсун дар ин мавзӯъ чан ҳикояи бақувват навишта, дар китоби худ “Санг дар бағал ба тӯфон” манзури хонанда гардонд. Ба ман алалхусус “Лаблаби ҷар”, ки зикраш дар боло рафт, хеле писанд омад. Дар ин ҳикояи бавусъат тарзи баён ва масъалагузорӣ басо ҷолибанд. Умедворем доир ба муқовимати накбатборе ки ба ҷомеаи мо нахуст зарарҳои зиёди маънавӣ овард, минбаъд адиб ягон асари калонҳаҷм менависад. Вале дар ҳамин ҳикоя низ ӯ тавонистааст сабаби он даргириҳоро аз қабили мансабталошӣ, дурӯягӣ, тарсуӣ, бетарафӣ, таассуби динӣ, аз фурсат истифода карда, ба тохт омадани гурӯҳҳои ҷинояткор ва ғайра... дар рафтору гуфтор ва андешаи персонажҳо устодона ба таҳлил гирад.

Саттор Турсун на танҳо дар насри бадеӣ, ҳамчунин дар иншои асарҳои публисистӣ низ дасти қавӣ дорад. Ба фикри банда ин шохаи адабиёт дар шинохти ҳақиқат на камтар аз роман ё қисса хидмат мекунад. Имрӯз дар байни нависандагони мо ба нудратанд нафароне ки муносибати худро ҳам доир ба масъалаҳои адабиёт ва ҳам рӯйдодҳои сиёсиву масоили иҷтимоӣ мисли Саттор Турсун огоҳона, дар ҷасорат ва бамағзу маънӣ баён намуда, мардумро ба домани андеша баранд. Ба назар чунин мерасад, ки вай, азбаски нисбат ба худ хеле серталаб аст, дар интишори китобҳояш ҳеҷ гоҳ шитоб накарда, мехоҳад фикрашро вобаста ба зуҳуроти зиндагӣ сари вақт дар эссеву мақола ва сӯҳбатҳо ба журналистон изҳор намояд. Иншои публитсистии адиб, ки бештар дар рӯзномаву маҷаллаҳо чоп шуда, тавассути радиову телевизион садо медоданд, асосан дар се китоби ӯ – “Дарахти ҳазорсола”, “Санг дар бағал ба тӯфон” ва “”Зимистони умр” гирд омадаанд. Пас аз мутолиаи онҳо кас ба дунёи рангину ҷаҳонбинии фарох, чашми ҳақшинос ва дониши фарогири нависанда қоил нашуда наметавонад. Таълифи ӯ одитарин хонандаро низ бетараф намонда, ба андеша водор намуда, каме бошад ҳам, муносибаташро ба ҳаёт, аҳволи ҷамъият, муҳити зист, ҷойгоҳи адолат, дар маҷмӯъ ба одаму одамият тағйир медиҳад. Дар иртибот ба кори эҷодӣ – навиштани чи асарҳои бадей ва чи публитсистӣ – Саттор Турсун на ба ҷони худаш раҳм мекунад, на ба ҷони дигарон. Зеро мақоми суханро аз ҳама боло медонад; саҳлагорӣ ба ин зоти муқаддас, - мегӯяд вай, - на камтар аз хиёнат аст. Нависанда дар як сӯҳбаташ иброз дошта буд, ки каломро вуҷуди зинда меҳисобад ва касе агар мехоҳад ба нияти бад аз он истифода барад, ҳатман ҷазо мебинад. Аз ҷониби худи ҳамон калом... ё Сухан, ки аслан ҷон дорад, мешунавад, эҳсос мекунад... Бинобар ин вай аз аввал дар таълиф ва ҳатто таҳрири иншои ҳамқаламон, ба хусус дар замони фаъолияти бардавомаш (20 сол!) дар маҷаллаи “Садои Шарқ”, як хел ва пайваста ҷон мекоҳонд. Мегӯяд аз ин сахтгириҳо баъзе муаллифон ба дод омада, ахир гурезон мешуданд. Шояд намефаҳмиданд, ки дар кори эҷодӣ барои ӯ тафриқи чизи асосиву ҷузъий вуҷуд надорад.

Дар сари ҳар калимаву ибора, ҳар нуқтаву вергул тааммул зарур аст. Чанд сол қабл аз ҷониби ҳафтаномаи “Чархи гардун” ба Саттор Турсун мусоҳибае анҷом додам. То он мавридш мо аз наздик шинос набудем, нахустин бор мулоқот мекардем. Пас аз сӯҳбат нависанда таъкид намуд, ки пеш аз чоп мехоҳад ба матн ошно шавад, то иштибоҳе наравад. Аслан одати вай ҳамин аст, - дар кулли мусоҳиба ва мақолаҳояш, ки рӯзномаву маҷаллаҳо интишор медиҳанд, бояд зарбу ҳаракати ҳар як вожа, гуфтори ба худаш хос, пайванду оҳанги ҷумла ва ҳатто аломатҳои китобат ҳатман риоя гарданд. Банда аз таҷрибаи рӯзноманигорӣ медонам, ки на ҳар адиб дар муносибат ба журналистон чунин серталаб аст. Хулоса, он сӯҳбатро ба рӯи коғаз оварда, қабл аз чоп ба дасти нависанда додам. Вай табъи дил калимаву ибораҳоро пешу қафо бурда, ё ба дигаре иваз намуда, баъзе ҷумлаҳоро аз нав сохта, матнро пурра таҳрир кард. Ман ба идораи ҳафтанома баргашта, ба кори ӯ шинос шудам ва як-ду вергулро беҷо пиндошта, хотирҷамъ хат задам. Баъде ки мусоҳибаи мо ба табъ расид, Саттор Турсун аз тариқи телефон барои таваҷҷӯҳи нашрия изҳори сипос намуда, дар охир аз “нохост гум шудани як-ду вергул” афсӯс хӯрд. Ва ин ба ман дарсе ҳам буд.

Мисоли дигар: соли 2003 ба нависанда муҳовараи адиби ҷавон Муродалии Ҷаббор ба табъ расид. Ман он вақт дар ҳафтаномаи “Чархи гардун” котиби масъул будам. Пас аз интишори сӯҳбат як саҳар аз номи Саттор Турсун мактуби кӯтоҳе гирифтам: “Равшанҷон, додари азиз! Ташаккур – мусоҳиба чоп шудааст. Аммо ба ғалатҳои зиёди намедонам вобаста ба куҷо ё кӣ – идораи “ЧГ”, балки ислоҳои худи Муродалӣ... Хуб, дар Тоҷикистони мо аслан ҳамин тавр аст корбандии матбуот. Тоқат мебояд. Бо вуҷуди ин дар шумораи оянда, то хонандагон духӯра нафаҳманд, тасҳеҳ додан лозим (ғалат шояд аз мусаҳҳеҳ бошад) ба маънии: “Аз сутуни чорум дар суоли мусоҳиб ибораи “нависандаи халқӣ” хонда шавад “на висандаи ҳақиқӣ”... Ба эҳтиром ва арзи сипос – Саттор Турсун”.

Ҳоло фикр мекунам хидмати содиқона ба адабиёт, ба забони модарӣ, дар маҷмӯъ ба рушди фарҳанги миллат аз ҳамин гуна ҷузъиёт низ ибтидо мегирад. Ҳар як адиб ё рӯзноманигор, умуман касони қаламкаш нисбат ба навиштаҳои худ ва ҳамкасбон чунин сахтгир бошанд, адабиёти мо бешак ғанӣ мегардад, забонамон покизаву безазанд мемонад...

Адиби машҳури рус Юрий Бондарев мегӯяд: “Аз қисмат бахту комёбӣ маталаб. Фақат хоҳиш бикун дар ҷодаи бартараф сохтани душвориҳо қувват диҳад”. Саттор Турсун низ аз сарнавишт саодати зиёд намехоҳад. Доду надоди онро якгуна ва батаҳаммул қабул дошта, мекӯшад танҳо муҳаббаташ ба сухан коста нагардад, дилаш ҳамвора гарм бошад. Бинобар ин, ҳарчанд то зарур наояд, ҳудаву беҳуда аз боби адабиёт, алалхусус аз навиштаҳои худ ва нақшаи эҷодиаш ҳарф намезанад, баъзан дар ҷавоб ба суолҳои гаҳу ногаҳ нимшӯхӣ ба забон меорад: умр агар бевафоӣ накунад, саломатӣ агар гурезпо нашавад... Мо имони комил дорем, ки вақте ин ҳар ду дар ҳақиқат меҳрубон бошанд, нависандаи тавонои халқ минбаъд ҳам асарҳои пурбори хеш дарёи суханро шодоб хоҳад кард.

**Равшан МАХСУМЗОД.**

# БӮЙИ ХУШИ МОДАРАМ

*Бӯйи баҳор мекунад, бӯйи хуши модарам,*
*Баҳра ба ҷон медиҳад, рӯйи хуши модарам.*
*Фаришта гӯмаш варо-рамзи покиву сафо,*
*Шодиву ҳам фараҳ диҳад, ёди хуши модарам.*
*Ту файзи хонадони ман, бахти ману ҷаҳони ман,*
*Қалби маро сафо диҳад, меҳри бақои модарам.*
*Агар набошӣ як даме торик буда хонаам,*
*Фурӯғи зиндагии ман-ҷилои нури модарам.*
*Забони хуш, каломи хуш бисёр шунидаам,*
*Ширину ангубин бувад, овои хуши модарам.*
*Ситораҳо дар фазо шумур надида-беҳисоб,*
*Ситораи ягонаам, ҳастии поки модарам.*
*Ҳамеша дар дили манӣ, сурури шодии манӣ,*
*Маромни зиндагии ман, ҳам аз бақои модарам.*
*Зиндагиат сафо шавад, умрат бобақо шавад,*
*Ин ҳама ҳастии ҳаёт зи аллаҳои модарам.*
*Бӯйи баҳор мекунад, бӯйи хуши модарам,*
*Баҳра ба ҷон медиҳад, рӯй хуши модарам.*

***Раҳматуллоҳи ШОҲИМАРДОН.***

# “НАВРЎЗ САЙЛИ” ФЕСТИВАЛИ

## УНДА ХАЛҚИМИЗНИНГ БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ ТАРАННУМ ЭТИЛДИ

(Боши 1-бетда)

Бойсуннинг ўзига хос манзараларини кўриб, халқингиз нега ижодга, санъатга мойил эканлиги, бу ердан бежизга таниқли адиблар, шоирлар етишиб чиқмаганлигини англагандек бўляпман. Бойсун ҳақиқатан ҳам миллий анъаналар, миллий қадриятларимизни аслиятича сақлаб қолган юрт сифатида мен ўйлаганимдан ҳам баландроқ мақомда турган жой эканлигига амин бўляпман. Юртимизда токи мана шундай халқ анъаналари қадрланган жойлар бор экан, маънавий бойлигимиз ҳеч қачон кам бўлмайди.

Дарвоқе, “Наврўз сайли” фестивали давомида Тошкентдан ташриф буюрган Абдунаби Иброҳимов, Ахтамқул Карим, Шодмон Хўжамбердиев, Умид Искандаров, Равшан Назаров, Тўлқин Файзиев каби таниқли ёзувчи-шоирлар, олимлар, кино ва театр актёрлари, бахшилар билан ўтказилган очиқ мулоқотлар, учрашувлар жараёни ҳам қизиқарли ҳамда турли таассуротларга бой бўлди. Бундай маънавий учрашувлар давомида бўлиб ўтган шеърхонлик, мумтоз ва замонавий қўшиқлар ижрочилиги фестиваль иштирокчилари ва томошабинлар қалбига бай рамона завқ ва шукуҳ олиб кирди.



Шу куни фестиваль дастури доирасида вилоятимиз туманларидан ташриф буюрган фольклор ансамбллари, маданият ходимлари ва бахшилар ҳам халқимизнинг бой маданий мероси намуналари тараннум этилган концерт дастурларини намойиш этиб, фестиваль иштирокчиларининг олқиш ва эътирофига сазовор бўлдилар.

**Юнус ХОЛИЁРОВ,**
**туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари.**

# АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

## ЭНДИ “ЁШЛАР БОҒИ” ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ

(Боши 1-бетда)

Ушбу таклифлар маҳаллий депутатлар, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ўрганилиб, ҳар бир таклиф алоҳида-алоҳида таҳлил этилди. Ҳатто ушбу таклифлардан мақбулини танлаш мақсадида туман ҳокимлигининг телеграмм канали орқали овоз бериш таклифи ҳам ташкил этилди. Ниҳоят, яқинда Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида ушбу таклифлар депутатлар томонидан муҳокама этилиб, аҳоли томонидан берилган таклифнинг энг мақбули танлаб олинди. Шунга кўра сессияда тумандаги “Ёшлар боғи”га Шукур Холмирзаев номини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур боғ Бойсун шаҳрининг энг хушманзара жойларидан бири – янгидан барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви, “Туризм кўчаси” ва кўплаб маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар масканлар, меҳмонхоналар мавжуд бўлган ҳудудда жойлашган. Аҳоли фикри ва таклиф мулоҳазалари эътиборга олиниб, келгусида боғ ҳудудида Шукур Холмирзаев ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи кўргазмали воситалар, шу жумладан, адиб ҳайкалини ўрнатиш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, боғ ҳудудида жойлашган марказий кутубхонада адибнинг босма ҳамда электрон асарлари билан танишиш, мутолаа қилиш учун шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев туғилиб ўсган юрт – Бойсунда адибнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида бошланган хайрли ишлар вилоят, республика даражасида ҳам давом этишига умид қиламиз, албатта.

**Даврон ОРИФ.**

# TUMANIMIZ IQTISODIY SALOHIYATI O`RGANILDI

***Davlatimiz rahbarining topshirig`iga asosan Boysun tumanini ijtimgoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo`yicha maxsus qaror loyihasini ishlab chiqish mo`ljallangan. Shu maqsadda yaqinda Termiz Davlat universitetining iqtisodiyot (xalq xo`jaligi) tarmoqlari bo`yicha bir guruh olim va professor-o`qituvchilari ishtirokida dastlabki uchrashuv bo`lib o`tdi.***

Bo`lib o`tgan uchrashuv chog`ida tumanning iqtisodiy salohiyatini yanada oshirish, ijtimoiy sohalarni rivojlantirish, madaniy hayotni boyitish, qishloq xo`jaligida samaradorlikni kuchaytirish hamda turizm imkoniyatlaridan unumli foydalanish masalalari muhokama qilindi. Shu bilan birga ishtirokchilar tomonidan hududlarni kompleks rivojlantirishga qaratilgan qator amaliy taklif va tashabbuslar ilgari surildi.

O`rganish davomida ishchi guruh tomonidan hududning tabiiy resurslaridan samarali foydalanish, aholi bandligini ta`minlash va yangi ish o`rinlari yaratishga qaratilgan amaliy tahlillar ham olib borildi. Shuningdek, mehnat faxriylari va nuroniylar bilan uchrashuvlar tashkil etilib, ularning hayotiy tajribasi, fikr-mulohaza va takliflari eshitildi. Uchrashuv yakunida Boysun tumanini kompleks rivojlantirish yangi loyihalarni amalga oshirish va aholi farovonligini oshirishga qaratilgan qator amaliy takliflar ham ilgari surildi.

Mazkur o`rganishlar, pirovard natijada hudud imkoniyatlarini to`liq ishga solish, iqtisodiy o`sishni ta`minlash va aholi turmush tarzini yanada yaxshilashga xizmat qiladi.

**Eshdavlat TOSHBOYEV,**
**“Nuroniy” jamg`armasi Boysun tuman bo`limi raisi.**

# LIMONCHILIK HAM DAROMADLI SOHA

**Ko`pchilik limon yetishtirish anchayin mushkul vazifa deb o`ylashadi. Biroq limon yetishtirish agrotexnikasi haqida bir ozgina ma`lumotga ega bo`lsangiz, siz ham bu sohada yaxshigina daromad qilishingiz mumkin. Faqat e`tibor va qiziqish bo`lsa bas. Nafaqat limon mevasi, hatto uning oddiy qalamchalaridan ko`chat undirib, foyda olayotganlar bisyor.**

Bugun har bir qarich bo`sh yer maydonidan samarali foydalanish – zamon talabi. Bu nafaqat xonadonlar hisobidagi tomorqalar, balki tashkilot-korxona, ta`lim muassasalariga tegishli yer maydonlari uchun ham taalluqli. Mazkur talabdan kelib chiqib, tumanimizdagi mavjud uchta texnikumlar jamoalari o`z hududlaridagi bo`sh yerlarda limon qalamchalaridan ko`chatlar yetishtirib, qo`shimcha daromad olish tashabbusi bilan chiqdilar. E`tirofga va e`tiborga sazovor tashabbus! Negaki bugungacha tumanimiz korxona-muassasalari tomonidan aynan limon ko`chatlarini yetishtirish to`g`risida bu kabi ommaviy tashabbusga guvoh bo`lmagandik.

1-2-3-texnikum ma`muriyatlari taqdim etgan ma`lumotga ko`ra har uchala ta`lim maskani hududida limon ko`chatlari yetishtirish uchun maxsus yer maydonlari ajratilib, dastlabki ishlar amalga oshirildi. Jumladan, har bir jamoa yuzlab dona limon qalamchalari tayyorlab, oldindan tayyorlab, ishlov berilgan maxsus yer maydonlariga qadab chiqdilar. Xususan, 1-2-texnikumlarning har birida ming donadan ortiq, 3-texnikumda ming donaga yaqin qalamchalar o`tqazildi. 1-texnikumda o`tqazilgan qalamchalar maxsus plyonkalar bilan yopilib, qalamchalar tez tutib ketishi va talab darajasida rivojlanishi uchun qulay sharoit ham yaratildi. Ushbu tajribadan kelib chiqib, 1-2-texnikum xodimlari ham qalamcha ekilgan yer maydonini polietilin plyonkalar bilan yopish va qulay sharoit yaratish harakatini boshladilar.





Mamlakatimiz miqyosida ikki-uch yildan buyon o`tkazilayotgan “Yashil makon” umummilliy loyihasi tashabbusidan ma`lum bo`ldiki, ko`kalamzorlashtirish, atrof-muhit va ekologiyani asrash maqsadida tashkil etilayotgan ko`chat ekish tadbirlarida ko`chat va nihollar o`zimizdan chiqsa har tomonlama qulay hamda kam xarajatli bo`lar ekan. Demak, tumanimizdagi texnikumlar tashabbusi bilan tashkil etilgan limon ko`chati yetishtirish tajribasi muvaffaqiyatli amalga oshsa, birinchidan, ularni sotish orqali qo`shimcha daromad olish, qolaversa, tumanimizda limon mahsulotini yetishtirish yanada ko`payishiga hissa qo`shgan bo`lardik. Ayniqsa, texnikumlarimiz jamoalarining ibratli tashabbusiga qo`shilib, tumandagi korxona va tashkilotlar, xonadonlarda mevali va manzarali daraxtlar va gul ko`chatlari yetishtirish yo`lga qo`yilsa, bu tadbir, shubhasiz, aholi farovonligini yanada yuksaltirish va mehnat jamoalari uchun qo`shimcha daromadlar paydo qilish manbai bo`lishi mumkin.

**Farog`at HAMITOVA,**
**tuman hokimi o`rinbosarining bosh mutaxassisi.**

# ЮКСАЛИШ САРИ ҚАДАМ ҚЎЯЁТГАН ХЎЖАБУЛҒОН

**Хўжабулғон туманимиздаги имкониятлар кенг ва бугунги кунгача мавжуд имкониятлардан замон талаби даражасида фойдаланилмай келинаётган ҳудудлардан бири саналади.**

“Имкониятлари кенг ҳудуд” деганимнинг маъноси шуки, маҳалламиз географик жиҳатдан, айтайлик, туманимизнинг аксарият маҳаллаларига нисбатан ҳар томонлама қулай ҳудудда жойлашган. Хусусан, Дарбанд дарёсининг маҳалламиз қоқ марказидан кесиб ўтишининг ўзи биз учун беқиёс имконият. Дарё суви ариқлар орқали ҳудуддаги асосий томорқа ерларини суғориш, демакки, томорқадан яхшигина даромад олиш имконини беради.

Қолаверса, дарё ўзанига яқин хонадонлар ҳамда ўзан бўйлаб мавжуд бўш майдонларда туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мумкин. Хонадонларда чорвачилик, паррандачилик, иссиқхоначиликни йўлга қўйиш ҳам ҳар бир оила учун қўшимча даромад манбаи дегани. Ҳатто, тадбиркорлар қаловини топса, балиқчиликни ҳам йўлга қўйса бўлади.

“Мана шундай имкониятлардан етарли фойдаланилмаётган ҳудудмиз” деганимнинг маъноси эса, санаб ўтилган барча қулайликлар, агар бошқа маҳаллаларда бўлганида аллақачон ўша маҳаллалар ўзига тўқ ҳудудга айланиб бўлишини таъкидлаш эди.

Бугун давлатимиз раҳбари ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ўзига тўқ, фаровон ҳудудга айланиши лозимлигини таъкидлаяпдилар. Ва, мана шундай натижага эришиш учун янгидан-янги лойиҳаларни ҳам таклиф қиляптилар.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир маҳаллаларга “Янги Ўзбекистон” қиёфасини олиб кириш орқали ҳудудларни фаровонлаштириш Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ана шундай ташаббуслардан бири саналади. Жорий – 2026 йил давомида бизнинг Хўжабулғон маҳалламизда ҳам мазкур лойиҳа доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиши белгиланмоқда.

Таклиф этилаётган лойиҳага кўра маҳалла ҳудудида аҳолини узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 4,6 километр электр тармоғи янгидан тортилади. Бир дона трансформатор ўрнатилиб, 214 дона бетон таянч устунлари ўрнатилади. Ушбу мақсадлар учун жами 1 миллиард 265 миллион сўм маблағ харажат қилинади. Шунингдек, маҳалла ички йўлларида тунги ёритиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида 230 миллион сўм эвазига 150 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилади. 3,5 километр ички йўллар асфальтланиб (2 миллиард 275 миллион сўм), 2 километрлик (800 миллион сўм) пиёдалар йўлакчаси бунёд этилади. Энг муҳими, лойиҳа доирасида илк маротаба маҳалламиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашда туб бурилиш қилинади. Ушбу мақсад учун ажратилаётган 430 миллион сўм эвазига 1,2 километр ичимлик суви тармоғи тортилади. Умуман олганда, юқорида кўрсатилган аҳолининг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш учун мўлжалланган ишларга давлат бюджетидан жами 5 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Таъкидлаш жоизки, маҳалламиз тарихида аҳоли ижтимоий муаммоларини бартараф этиш, инфратузилмаларни яхшилаш учун биринчи марта мана шу қадар катта маблағ ажратиляпти.



Лойиҳа доирасида маҳаллада қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида бугунгача фойдаланилмай ётган бинолар, ер майдонларидан самарали фойдаланиш ҳам эътиборга олинган. Жумладан, ана шундай объектларда тадбиркорлар ва фойдаланилмай ётган объектлар эгаларининг маблағлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш нуқталари ташкил этиш эвазига янгидан 12 та тадбиркорлик субъектлари йўлга қўйилиб, 50 та қўшимча иш ўрни яратилади. Маҳалла гузари ҳудудида автомобилларга хизмат кўрсатиш нуқтаси, савдо, маиший хизмат нуқталари яратилиб, қишлоқ аҳолиси учун қулай хизмат кўрсатиш муҳити ташкил этилади.

Манзилли дастурга биноан маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, хусусан, кўкаламзорлаштириш, хонадонларни тартибга келтириш, аҳоли орасида томорқа маданиятини шакллантириш, суғориш иншоотлари, ариқларни ҳашар йўли билан таъмирлаш, сув йўлларини равонлаштириш, сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни назорат қилиш йўлга қўйилади. Лойиҳа натижасига кўра маҳалламизни тумандаги аҳоли томорқасидан энг самарали фойдаланувчи маҳаллалар қаторига кўтаришга эришиш мақсад қилинган ва бунга эришиш учун бизда етарли имкониятлар бор деб ўйлайман.

Бугунги кунда туманимиз ва вилоятимизнинг турли бозорларида маҳалламиз хонадонларида етиштирилаётган эртапишар олмалар, ўрик, гилос каби сархил мевалар, сабзавотларни кўриш мумкин. Ҳатто кўпчилик учун Хўжабулғон ўрикларидан тайёрланган ўрик қоқилар брендга ҳам айланган десам муболаға бўлмас. Умид қиламизки, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”га айланаётган маҳалламиз янада обод бўлиб, аҳоли фаровонлигини оширишда қўшимча имкониятлар яратилади. Мана шундай эътибор эвазига эса меҳнаткаш ва танти хўжабулғонликлар ўз томорқаларидан янада самарали фойдаланган ҳолда халқимиз дастурхонини обод қилиш ва ўзларининг иқтисодий-ижтимоий аҳволларини янада мустаҳкамлашга эришадилар.

**Нодирбек ТОЖИЕВ,**
**Хўжабулғон маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

# ШАХМАТЧИ ВИЛОЯТДА ҒОЛИБ

***Баҳор, Наврўзнинг ўзига хос таровати бор. Улар дилни яшнатади, янгиликлар сари етаклайди. Спорт мусобақалари, турли беллашувларнинг ёппасига бошланиб кетиши ҳам шундан.***




Мана, куни-кеча туман миқёсида бўлиб ўтган шахмат баҳсларида биринчи ўринни олган жажжи дўстимиз ниҳоят вилоят мусобақаларида ҳам ўзини кўрсатди. Шаҳримиздаги 7-мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси Миркамол Нормаматов ёшлар ўртасида ўтказилган вилоят миқёсидаги шахмат мусобақасида барча тенгдош рақибларини доғда қолдириб, чемпион деган номга сазовор бўлди. Бундан албатта биринчи навбатда ота-онаси, сўнг устози Мусулмон Бўроновнинг қувонганини айтмайсизми?! Дарвоқе, Миркамол айни пайтда туман спорт мактабининг фаол аъзоси, устозларидан шахмат сирларини ўрганмоқда. Бу иқтидорли ёш шахматчи республика миқёсидаги мусобақаларда ҳам фаол қатнашиб, яхши натижаларга эришишига умид қиламиз.

**П.НАЗАРОВ.**

# YERNI QONUNIY YO`L BILAN SOTIB OLING

**Buning uchun eng qulay va ishonchli bo`lgan “E-AUKSION” imkoniyatlaridan foydalanishdir. Auksionda qatnashish uchun esa “e-auksion” platformasida ro`yxatdan o`tib, ariza to`ldirish zarur.**

Talabgor savdo platformasida ochilgan hisob-varag`ida xabarnomada ko`rsatilgan zaklad miqdoridan kam bo`lmagan mablag`ni kiritib, ariza bering. Ariza auksion o`tkaziladigan kun soat 9:00 gacha avtomatik tarzda qabul qilinadi.

Yutib olingan yerni davlat ro`yxatidan o`tkazish uchun bir oyga my.gov.uz orqali yoki Davlat aktivlarini boshqarish agentligi orqali kadastr organlariga murojaat qilinadi.

**Ilhom MANNONOV,**
**Boysun tuman adliya bo`limi Davlat xizmatlari markazi direktori.**

BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Azamat G`AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.
ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

t - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.